



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 09 | pp. 499-505 | ISSN: 2181-1865


Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ  
СОҲАСИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА  
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ****Абсаматов Даврон Абсаматович**  
ISFT институти катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги соҳасида махсулотларини қайта ишлаш, қуриштириш ва экспорт қилиш, қишлоқ хўжалигида махсулот етиштиришдаги муаммолар, ўсиш динамикаси ва ушбу соҳани ривожлантириш бўйича президент қарорлари ва реал инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** инвестиция, экспорт-импорт, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги махсулотларни қуриштириш, қуриштирилган қишлоқ хўжалиги махсулотлари таркиби.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигининг ярим тайёр (асосан сабзавот ва полиз) махсулотларига дунё бозорида талабнинг ошиши, махсулотларнинг ярим тайёр махсулот сифатида тайёрланиши ҳисобига Европа давлатлари ва Шимолий америка давлатларида талабнинг ошириш билан баҳоланмоқда. Ушбу талабдан келиб чиқиб Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида етиштирилган махсулотларнинг асосий қисмини экспортга йўналтириш ва айрим турларини қайта ишлаш, яъни қуриштириш (асосан сабзавот ва полиз махсулотларини) орқали экспорт қилиш самарали усул ҳисобланади.

Бунинг далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 05 апрельдаги “2023 йилда қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-113-сонли қарорида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни Республикада 2023 йил ҳосили учун асосий майдонларнинг 3,2 млн гектар, такрорий майдонларнинг 783 минг гектар, боғ-ток қатор ораларининг 140 минг гектар, дала четларининг 34,6 минг гектар, лалми ерларнинг 373 минг гектар майдонига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш режалаштирилганлиги маълум қилинган. Ушбу қарорга асосан 2023 йил прогнози бўйича Ўзбекистон Республикасида жами ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги махсулотлари 46,0 млн тоннани ташкил қилган бўлса, шундан сабзавот 12,2 млн тонна режалаштирилган бўлса, полиз махсулотлари 2,5 млн тонна етиштирилиш режалаштирилган.



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида етиштирилган сабзавот маҳсулотлари<sup>1</sup>, тонна**

Расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2023 йилда етиштирилган сабзавот маҳсулотларни 2022 йилга нисбатан 3,5 фоизга, 2022 йилга нисбатан 6,5 фоизга, 2021 йилга нисбатан 7,6 фоизга, 2020 йилга нисбатан 10,8 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб кўришимиз мумкинки ушбу етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми республика ичида истеъмол қилинса, бир қисми хўл ҳолатда, бир қисми музлатилган ҳолатда, қолган қисми эса, қайта ишланиб қуритилган ҳолатда экспортга йўналтирилади.

Помидорни очиқ дала шароитида қуритиш (sundried tomato) ва технологиялар орқали қуритиб экспорт қилиш аста-секинлик билан ривожланиб келаётган эди. Охириги йилларда энергетик ислохотларнинг қишлоқ хўжалигига нисбатан нотўғри олиб борилиши натижасида, давлатимиз помидор маҳсулотларни бўйича экспортчи давлатдан импортчи давлатга айланиб қолмоқдамиз. 2021 йилда 60 млн.доллар, 2022 йилда 58 млн.доллар, 2023 йилда 57 млн.долларлик помидор экспорт қилинган. 2024 йилда эса помидор экспорт товарлар рўйхатидан тушиб қолган<sup>2</sup>.

Ўзбекистондан қуйидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (сабзавот ва полиз) қуритилган ҳолатда экспортга йўналтирилади: қуритилган пиёз, қуритилган булғор қалампири, қуритилган шивит, қуритилган бақлажон, қуритилган карам, қуритилган аччиқ қаламбир, қуритилган сабзи, қуритилган помидор, қуритилган қовоқча, қуритилган ошқовоқ, қуритилган пираса (лук порей) ва бошқа қуритилган маҳсулотлар. Қуйида айрим қуритилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг фойдалигини кўриб чиқамиз:

Қуритилган сабзи таркиби янги сабзига ўхшаш бўлиб, сув миқдори камайtirилган ҳолда турли фойдали моддалар сақланади. Қуритиш жараёнида сабзидаги сувнинг кўп қисми йўқотилса ҳам, унда витаминлар, минераллар ва

<sup>1</sup> Манба: <https://siat.stat.uz/reports-filed/324/line-data>

<sup>2</sup> Манба: [https://stat.uz/img/press\\_reliz\\_tashi\\_savdo\\_uzb\\_yanvar-sentyabr\\_2024\\_p43673.pdf](https://stat.uz/img/press_reliz_tashi_savdo_uzb_yanvar-sentyabr_2024_p43673.pdf)

бошқа озиқ моддалар концентрацияси ошади. Қуйида қуритилган сабзининг таркибидаги асосий моддалар келтирилган:

1. Витаминлар: Витамин А (бета-каротин), Витамин К, Витамин С, Витамин В6
2. Минераллар: Калий, Магний, Кальций ва Темир
3. Толалар: Сабзи толаларга бой бўлиб, қуритилган сабзида уларнинг концентрацияси янада ошади. Толалар ҳазм жараёнини яхшилайти ва ичаклар фаолиятини кўллаб-қувватлайди.
4. Антиоксидантлар: Сабзи антиоксидант моддаларга бой. Улар организмни эркин радикаллардан ҳимоя қилади ва қариш жараёнини секинлаштириши мумкин.
5. Калориялар ва углеводлар: Қуритилган сабзида сувнинг йўқотилиши натижасида углеводлар ва калория миқдори янги сабзига нисбатан юқори. Унда табиий шакарлар ва углеводлар кўпроқ концентрацияланган.
6. Протеинлар ва ёғлар: Сабзи оз миқдорда протеин ва ёғ сақлайди, лекин уларнинг миқдори аҳамиятли эмас.
7. Сув: Қуритилган сабзида сув миқдори жуда кам бўлиб, янги сабзига нисбатан озиқ моддалар тўпланган.

Қуритилган сабзиларни овқатда ишлатиш учун уларни намлаб ёки бевосита шўрвалар, сабзавотли таомлар ёки салатларга қўшиш мумкин. Улар қайтадан сувни ютиб, ўзининг аввалги шаклига қайтиши мумкин. Ушбу жараён қишлоқ хўжалигида сабзини қуритишда кенг қўлланилади у ўртача 12-13 кг сабзидан 1 кг қуритилган сабзи тайёр бўлади ва маҳсулотнинг узок вақт сақланиши ҳамда унинг озиқ-овқат қийматини максимал даражада сақлашга ёрдам беради.

Қуритилган булғор қалампири таркибида янги қалампирнинг кўплаб фойдали моддаларини сақлаб қолади. Қуритиш жараёнида сув миқдори камайиши сабабли, озуқавий моддаларнинг концентрацияси ортиб, витамин ва минераллар жуда кўп миқдорда сақланиб қолади. Қуйида қуритилган булғор қалампирининг асосий таркибий қисмлари келтирилган:

1. Витаминлар: Витамин С: Булғор қалампирини витамин С га жуда бой бўлиб, антиоксидант вазифасини бажаради ва иммун тизимини кўллаб-қувватлайди. Қуритиш жараёнида унинг бир қисми йўқолиши мумкин, лекин ҳали ҳам юқори даражада қолади. Витамин А (бета-каротин): Кўриш қобилияти, тери саломатлиги ва иммунитет учун муҳим. Қуритилган қалампирда А витамини концентрацияси юқори бўлади. Витамин Е: Хўжайраларни эркин радикаллардан ҳимоя қилувчи кучли антиоксидант бўлиб, тери ва сочлар учун фойдали. Витамин В6: Асаб тизими ва қон ҳосил бўлиши жараёнларини кўллаб-қувватлайди.
2. Минераллар: калий, темир, магний, кальцийлардан иборат.
3. Антиоксидантлар: Қуритилган булғор қалампирини турли антиоксидантларга бой. Улар хўжайраларни эркин радикаллардан ҳимоя қилади ва организмнинг қариш жараёнини секинлаштириши мумкин. Витамин С ва Е бу жараёнда муҳим роль ўйнайди.
4. Толалар: Қалампирда толалар миқдори юқори бўлиб, ҳазм жараёнини яхшилайти ва ичакларнинг тўғри ишлашига ёрдам беради. Қуритиш жараёнида толалар концентрацияси янада ошади.

5. Калориялар ва углеводлар: Қуритилган булғор қалампири янги қалампирга нисбатан юқори калорияга эга бўлиши мумкин, чунки сувнинг йўқолиши билан озуқавий моддалар тўпланади. Унда табиий углеводлар сақланиб қолади.

6. Протеин ва ёғлар: Қуритилган қалампирда протеин ва ёғ миқдори кам, лекин озуқавий қиймати барибир юқори ҳисобланади. Протеинлар организмдаги хужайралар тузилиши ва қайта тикланиш жараёнларига ёрдам беради.

7. Флавоноидлар ва полифеноллар: Қуритилган булғор қалампирдаги бу моддалар антиоксидант хоссаларга эга бўлиб, юрак-қон томир тизимини қўллаб-қувватлайди ва яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади.

Қуритилган булғор қалампир озиқ-овқатда кўплаб турли хил таомларга қўшилади ва унинг яхши сақланиш қобилияти туфайли йил давомида фойдаланиш мумкин. Қишлоқ хўжалигида булғор қалампирини қуритиш тартиби унинг озиқавий қийматини сақлаб қолиш ва муддатини узайтиришнинг самарали усулидир. Бунинг 22-24 кг булғор қалампирдан 1 кг қуритилган булғор қалампир чикади. Бу жараён турли хил усуллар орқали амалга оширилиши мумкин ва ҳар бир усул ўзига хос жиҳатларга эга. Қуритилган булғор қалампир озиқавий моддаларга бой бўлиб, узок муддат сақлаш учун жуда қулайдир. Бу жараён озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва фойдалиликни сақлаб қолишда самарали ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб шундан хулоса қилишимиз мумкинки, айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни хўл(барра) ҳолатдан кўра, қуритилган ҳолатда экспорт қилиш самарали ҳисобланади. Буни Европа давлатларида ярим тайёр озиқ овқатларга, Россия Федерациясида шимолий томонлари маҳсулот музлаб қолмаслиги учун қуритилган ҳолатда импорт қилишса, қолган вилоятларида тез тайёрланадиган овқатларига қўшиш учун ишлатилади. АҚШда эса денгиз қўшинлари учун озуқа сифатида сотиб олишади.

Ушбу соҳа ўзига хос катта бозорга эга бўлганлиги учун, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида юқорида айтиб ўтганимиздек, маҳсулот кўп етиштирилганлиги сабабли ушбу соҳага етарли даражада инвестиция киритилмаган.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда тахминан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишловчи (сабзавот ва полиз) 33 та қуритиш линияси мавжуд бўлиб, ўртача йиллик ҳар бир линия 15000 тонна маҳсулот қабул қилишини олсак, республикамизда етиштирилган жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотнинг 495000 тонна маҳсулотини қамраб олади. Бу жами ишлаб чиқарилган сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 3,3% ташкил қамраб олади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонга молиявий инвестициядан кўра реал инвестиция киритиш самарали эканлиги амалиётда ўз тасдиғини топмоқда. Хорижий реал инвестицияларни жалб этишда хорижий инвесторларга нисбатан ҳукумат сиёсати катта ўрин тутаяди. Бу борадаги сиёсатнинг муҳим вазифалари жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш, реал инвестицияларнинг таркиби ва инвестициянинг географик жойлашувига таъсир кўрсатиш, хорижий инвесторлар фаолиятини мамлакат иқтисодий сиёсати устувор вазифаларини таъминлаш, шу жумладан, маҳаллий тармоқларни ривожлантириш, локализация даражасини ошириш қабиларни қамраб олади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки,

мустақиллик йилларида республикамизда хорижий инвесторлар фаолиятини рағбатлантирувчи муҳит яратиш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Булар асосан бозорга кириб келиш, бизнесни юритиш, хорижий инвесторларнинг мол-мулкка эгаллик қилиши ва бозорлар фаолияти қоидаларини эркинлаштиришга тегишлидир.

Эркинлаштириш сиёсати барча инвесторларга тегишли бўлиб, бозордаги барча иштирокчилар учун мақбул инвестиция муҳитини яратишга қаратилган. Шу билан бирга айрим ҳолларда маълум корхона ёки тармоқларга алоҳида имтиёзлар бериш амалиёти қўлланилиб, бундай чоралар инвесторларнинг даромад меъёрларини ошириш ёки харажатлари ва таваккалчилик даражасини пасайтиришга қаратилгандир. Бу каби рағбатлар солиқ-бюджет имтиёзларини (масалан, корхоналар учун солиқ имтиёзлари, солиқдан муайян муддатга озод қилиш, импорт божларидан озод этиш), молиявий имтиёзлар (масалан, давлат кафолати билан кредитлар жалб қилиш, давлатнинг устав капиталидаги иштироки) ёки рақобатдан турлича ҳимоя воситаларини қамраб олади. Бундай чоралардан халқаро амалиётда кенг қўлланилиб келмоқда. ўтиш жараёнини бошидан кечираётган мамлакатларда умумий Эркинлаштириш сиёсати хорижий инвестицияларни жалб этишда муҳим ўрин тутади.

Мамлакатнинг инвестиция жойлаш нуқтаи-назаридан рақобатбардошлилигини белгилайдиган бозор омиллари ўз ичига маҳаллий ва экспорт бозори ҳажми, бозорнинг келажақда ривожланиш истиқболлари ва ишчи кучи каби омилларни қамраб олади. Кенг ҳажмли бозор ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари хорижий инвесторга ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва келажақда истиқболли бизнес режалар тузишга имкон беради ва бу ҳол хорижий инвесторларни жалб этмай қолмайди.

Юқорида айтиб ўтилган реал инвестициялар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритишга киритиш жараёнидан олдин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш нималигига тўхталиб ўтсак.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш – бу қайта ишлаш жараёнида самарадорликни ошириш, маҳсулотлар сифати ва харажатларни камайитиришда муҳим роль ўйнайди. Ушбу жараённинг самарадорлиги, маҳсулотларнинг узок муддат сақланишини таъминлаш, ресурсларни оптималлаштириш ва экологик таъсирни камайитиришга ёрдам беради. Инновацион технологиялар, қуритиш жараёнларини такомиллаштиришда муҳим омил ҳисобланади ва маҳсулотларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш жараёнида ишлаб чиқариш процессини оптималлаштириш, самарадорликни ошириш, маҳсулот сифати ва иқтисодий натижаларни яхшилаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш:

- маҳсулот қабул қилиш ва қайта ишлаш;
- кесиш;
- қуритиш;
- саралаш (сортировка) босқичларидан иборат.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун қабул қилиш жараёни махсус қоидалар ва стандартларга мувофиқ амалга оширилади. Бу жараёнда бир неча босқичлардан иборат:

Ташиш ва қабул қилиш текшируви: Маҳсулотларни етказиб берган транспорт воситалари тозалиги, санитария ҳолати ва маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида текширилади. Маҳсулотларни етказиб бериш билан боғлиқ ҳужжатлар, масалан, етказиб бериш ҳужжатлари, счёт-фактура ва сертификатлар текширилади.

Маҳсулотларнинг сифатини баҳолаш: Маҳсулотнинг миқдори текширилади ва тайёрлашда талаб қилинган стандартларга мувофиқлиги назорат қилинади. Маҳсулотнинг сифат назоратида маҳсулот намуналари олиниб, улар лабораторияда физик, кимёвий ёки биологик кўрсаткичлари бўйича текширилади (влагалик, микробиологик кўрсаткичлар, зарарли моддалар).

Маҳсулот қабул қилишда ҳужжатларни расмийлаштириш: Маҳсулотларнинг миқдори, сифати ва қабул қилинган вақтни акс эттирувчи ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Ушбу жараёнда маҳсулот ювилади, айрим турдаги маҳсулотлар пардан ўтказилади ва қайта сараланади.

Қайта ишлашга йўналтириш: Маҳсулотлар қабул қилингандан сўнг, улар қайта ишлаш жараёнига йўналтирилади. Ушбу жараёнда сабзавот ва полиз маҳсулотлари қайта ишлаш жараёнида маҳсулот тозаланади, қайтадан яна ювилади.

Маҳсулотни кесиш жараёнида қайси қишлоқ хўжалиги маҳсулотига қараб экспорт учун талабнинг ҳажми белгиланади ва кесиш аппаратига ушбу ҳажм белгиланади ундан кейин маҳсулот бланшерда қайтадан парланади. Унда маҳсулотнинг керакли витаминлари сақлаб қолниши учун бланшердан ўтказилади.

Маҳсулотни қуритишнинг асосий босқисчи қуритиш бўлиб, унда маҳсулот қанча дақиқада сифатли қуритилишига эътибор қаратилади. Қуритиш жараёни ҳам уч босқичда: биринчи босқичда маҳсулот тахминан 60-70 % қутирилади, иккинчи босқичда 25-35% қуритилади ва учинчи босқичда маҳсулот 5-10% қуритилиб совитилади.

Саралаш босқичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 100% қуритилганган сўнг, қуритилган маҳсулот ичида ранги бошқачароғи, қуритиш жараёнида куйгани фотсеператордан ўтказилганда тахминан 10-15% маҳсулот экспортга яроқсизлиги чиқариб ташланади. Шундан сўнг маҳсулот экспорт учун тайёр ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, юқорида айтиб ўтганимиздек сабзавот ва полиз маҳсулотларининг бор-йўғи 3,3 % ни қайта ишлашни қамраб олганлиги, ушбу соҳага ҳали етарли даражада инвестиция кирилмаганлиги ёрқн далилидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш жараёнини оптималлаштириш, маҳсулотларнинг сифати, иқтисодий самарадорлиги ва экологик таъсирини яхшилашга ёрдам беради. Замонавий технологиялар, автоматлаштириш, энергия самарадорлиги ва ишчи кучини тайёрлаш орқали, ишлаб чиқариш процессини самарали қилиб ривожлантириш мумкин. Ушбу

жараёнларда инновацион ечимларни жорий этиш, маҳсулотларнинг глобал бозорда рақобатдошлигини оширишга ҳам ёрдам беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидаги нутқи

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 05 апрельдаги “2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-113-сонли қарори.

3. Обломуратов Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш. // Монография // - Т.: “Таҳририй нашриёт” бўлими, 206 бет.

4. Жўраев Х. Инвестиция тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти. Иқтисод ва молия. 2015, 8-сон.

5. <https://siat.stat.uz/reports-filed/324/line-data>

6. [https://stat.uz/img/press\\_reliz\\_tashi\\_savdo\\_uzb\\_yanvar-sentyabr\\_2024\\_p43673.pdf](https://stat.uz/img/press_reliz_tashi_savdo_uzb_yanvar-sentyabr_2024_p43673.pdf)

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

